

Истеъдодли шоир Мамарасул Бобоев ўз асарларида реал вокеликни, инсон гўзаллигини кўйлаб, кишиларнинг ёркин образини яратишга интилди.

Мамарасул Бобоев Самарканд вилоятининг Каттакўргон шахрида 1911 йили тугилди. У дастлабки маълумотни Навоий номли мактабда олди, Шоир 1927 йилнинг кузидаги Бухородаги хўжалик техникумига ўкишга кирди.

1934—1938 йилларда Мамарасул Бобоев Тошкент давлат педагогика институти тил ва адабиёт факултегнинг сиртки бўлимини тамомлади. 1939 йилда «Гулистон» журналида унинг «Улугбек» номли тарихий поемаси босилиб чиқди.

Улуг Ватан уруши шоир учун синов йиллари бўлди. У 1941-1946 йилларда ватан мудофаасида катнашиб, Эронда хизмат дилди.

«Ватан шаънига» (1939), «Шодиёна» (1951), «Севган кўшикларим» (1959), «Янгра рубоб» (1961), “Айни ёз” (1961), «Юрагимнинг айтганлари» (1963) сингари катор шеърий тўпламларнинг муаллифидир.

Лермонтов, Некрасов, Симоёв, Сурков, Вургун, Кулитев,; Шчишачев, Муса Жалил, Туманян, Расул Хамзатов каби шоирларнинг асарлари Мамарасул Бобоев таржимасида ўзбек китобхонларида бориб етди. Унинг “Ерон осмони остида” туркум шеърлари хорижий шарк мавзуидаги энг яхши асарлар сирасида киради.